**9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 4 май • № 17 (882)


## МЕҲР ЗИЁСИДАН ЯШНАГАЙ ҚАЛБЛАР




*Ҳайъат йиғилиши*

## ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

***Жорий йилнинг 27 апрель куни Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг қўшма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий аппарати, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, тизимдаги молия бошқарма бошлиқлари, маҳалла фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда назорат инспекцияси бошлиқлари, ДСЭНМлар бош врачлари, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари директорлари, олий тиббий ўқув юртлари ректорлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Нормўмин Чориев кириш сўзи билан очиб, республикамизда мустақиллик йилларидан бошлаб, Президентимиз томонидан ҳар бир соҳага қаратилган эътибор боис, фаолиятлар янада жадаллашиб, ўтган 20 йил ичида ютуқли натижаларга эришилганлиги, жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам қўлга киритилган муваффақиятларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдам, бирламчи бўғин, санитария-эпидемиология ва кадрлар тайёрлаш масаласига давлатимиз томонидан яратилаётган имконият ва шароитлар туфайли мазкур йўналишларда ислоҳот жараёнлари изчиллик билан олиб борилаётганлигига урғу қаратиб, бунинг ифодаси сифатида давр

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи

2012 йил 25 апрель — № 113 — Тошкент шаҳри

## 12 май – Халқаро ҳамширалар кунини нишонлаш ҳақида

Бутун дунё ҳамширалари ҳар йили 12 майда Халқаро ҳамширалар кунини нишонлайди. Ҳамшираларнинг касб байрамини нишонлаш қарори 1899 йилда тузилган хотин-қизларнинг биринчи касбий уюшмаси Халқаро Ҳамширалар кенгаши томонидан қабул қилинган.

Бу йилги Халқаро ҳамширалар куни «Ҳамширалик иши фаолиятини асосланган далиллардан амалиётга йўналтириш» шиори остида ўтказилмоқда.

Инсон саломатлигини ҳимоя қилишда меҳнат қилаётган тиббиёт муассасаларидаги барча тиббиёт ҳамшираларининг хизматини янада юқори даражага кўтариш, уларнинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги фаолиятларининг аҳамиятини инобатга олган ҳолда ва Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан,

**БУЮРАМАН:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига:

1.1. Халқаро ҳамширалар кунига бағишлаб «Ҳамширалик иши фаолиятини асосланган далиллардан амалиётга йўналтириш» мавзусида тадбир ва йиғилишлар ўтказилиши таъминлансин.

1.2. Тажрибали, юқори билимга эга бўлган ҳамширалар рағбатлантирилсин.

2. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ш. Э. Атахановга:

2.1. Тошкент тиббиёт академияси ва тиббиёт институтларининг «Олий ҳамширалик иши» бўлимларида, тиббиёт коллежларида ушбу мавзуга бағишланган йиғилишлар уюштирилсин. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, ҳамширалик ишининг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтиши ҳамда «Устоз – шогирд» амалиётига асосан, ўқувчиларни танлаган касбига қизиктириш, мутахассислик бўйича зарур кўникмаларга, амалий иш тажрибасига эга бўлиши ва келажакда ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш масалалари талабалар ўртасида кенг тарғиб этилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. В. Алимов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ИКРАМОВ.**

*Эътибор ва ғамхўрлик*

## САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАР МАҲСУЛИ



***Фахр билан айтишимиз жоизки, юртимизда ҳар бир байрам ўзига хос кўтаринки кайфиятда кутиб олинади. Дарҳақиқат, байрамларнинг ўз файзи бўлгани каби, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам муносиб нишонланади.***

Ушбу кунда тиббиёт соҳасида ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан яхши ном қолдириб кетган устоз хотиралари ёдга олинади. Шунингдек, айни кунда орамизда меҳнат қилаётган ва қарилик гаштини сураётган

(Давоми 5-бетда).

Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: info@uzssgzt.uz

*Ҳайъат йиғилиши*

# ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

талаблари даражасидаги тиббиёт муассасалари ҳамда уларнинг замонавий тиббий аппаратуралар ва малакали кадрлар билан таъминланганлиги аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлигини баён этди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро анжуманнинг нуфузли даражада ўтганлиги хорижликлар томонидан эътироф этилиб, юртимиз тиббиётининг дунё миқёсида ўз ўрнига эга эканлигини яна бир бор намоён этганлигини таъкидлади.



Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов сўзга чиқиб, тизимдаги ишларга эътибор қаратган ҳолда кейинги йилларда соҳада эришилган ютуқлар борасида тўхталди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва Қарорлари ижроси бўйича амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида урғу берди. Шунингдек, тизимда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 12 январдаги 12-сонли "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарор талабларининг жойларда қандай бажарилаётганлиги ва бу борада вазирликнинг мутасадди раҳбарлари томонидан мониторинг ва таҳлил ишлари олиб борилаётганлиги ҳамда улар томонидан тиббиёт муассасаларида амалий ёрдам кўрсатиб келинаётганлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги "2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги мажлисдаги маърузалари хусусида тўхталиб, тизимдаги фаолиятлар янада изчиллик билан давом этаётганлиги, шунингдек, 2012 йил республика тиббиёт муассасаларида инвестиция дастури доирасидаги қурилиш ва реконструкция ишлари ҳамда инвестицион дастур асосида тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг келтирилиши ҳамда уларнинг ҳисоб-китоби олиб борилиши тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Айниқса, тизимда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ва мазкур йўналишда муайян ишлар самарали кечаётганлиги ҳамда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига урғу бериб, ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1096-сонли Қарори бўйича жойларда ишлар жадаллик билан кетаётганлигини эътироф этди.



Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, барча шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ижобий ўзгаришлар бўлаётганлиги қувонарлидир. Жумладан, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси фаолиятида ҳам ислоҳот жараёнлари асосида кўпгина ишлар амалга оширилди. Ўтган йил бошқарма тасарруфидаги 13 та тиббиёт муассасасида бюджет маблағлари ҳисобига 19 миллиард 531 миллион сўм миқдорида реконструкция ишларини бажариш режалаштирилган эди. Айни пайтда бу ишлар ниҳоясига етай деб қолди ва белгиланган иншоотлар фойдаланиш учун қабул қилинмоқда. Айни кунда вилоятда 243 та қишлоқ ва 1 та шаҳар врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 108 таси янгидан қурилган, 136 таси реконструкция қилиниб, ишга туширилган. Уларнинг барчаси "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида жиҳозланган. 2011 йилда вилоятда 39 та тез тиббий ёрдам шахобчаларидан 33 тасини таъмирлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу борада йил давомида 86,9 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги томонидан мукаммал таъмирлаш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиалига 115 миллион сўм, вилоят кардиология марказига 50 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Ушбу даволаш муассасаларида белгиланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, вилоят ОИТС марказида ҳам таъмирлаш ишлари бажарилди. РШТЁИМнинг вилоят филиали базасида биринчи марта тиббиёт амалиётида катталаштирилган телевизион кўринишдаги эндоскопик ретроград холангиопанкретография текшируви, замонавий рақамли стационар универсал рентген аппарати диагностика таҳлили, лапароскопик жарроҳликнинг янги, шунингдек, даволашнинг 20 дан ортиқ усуллари қўлланилди. Айни пайтда филиалда замонавий компьютер томограф, рақамли универсал стационар рентген, кўчма рентген диагностикаси, кўчма операцион диагностика аппаратлари беморларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Кейинги икки йилда туман тиббиёт бирлашмаларининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига Қувайт иқтисодий ривожланиш жамғармаси кредити ҳисобига 2,2 миллиард сўмга яқин ўттиз олти турдаги тиббиёт асбоб-ускуналари олиб келиб ўрнатилди.



Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1096-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан барча туман тиббиёт бирлашмаларининг туғруқ бўлимлари ва вилоят перинатал маркази замонавий тиббиёт асбоб-ускуна ҳамда аппаратуралар билан жиҳозланди. Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тушунтириш ва тарғиб этиш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида "Соғломлаштириш ҳафталиги" ўтказиб келинмоқда. Ҳафталикнинг биринчи турида республиканинг етакчи фтизиатрлари, скрининг йўналиши мутахассислари ва Республика саломатлик ва тиббий статистика институти врачларидан иборат ташвиқот-тарғибот гуруҳи аъзолари вилоятдаги ходимлар билан биргаликда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, туғруқлар орасида интервалга риоя қилиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Ҳафталикнинг иккинчи турида эса, вазирлик ва вилоят даволаш-профилактика муассасаларининг малакали мутахассислари шаҳар ва туманларида амалий ёрдам бериш, аҳолининг контрацептив воситаларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фертил ёшдаги аёлларни соғломлаштириш ишларини амалга оширишди. Соғломлаштириш ҳафталиги давомида ўтган йили Тошкент тиббиёт академияси, Республика терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари вилоятда 40,2 минг нафардан ортиқ аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Республика қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига асосан қарийб 548 миллион сўмлик "Компливит-МАМА" поливитамини олиб келиниб, ҳомиладорларга тарқатилди. Шунингдек, санитар-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, айрим юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида чегара зоналарида 4 та санитария-назорат пунктлари мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида эришилган юқоридаги муваффақиятлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ҳайъат йиғилишининг кун тартибидан ўрин олган долзарб масалалар, яъни "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 12 январидаги 12-сонли "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарор талабларининг жойларда бажарилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги "2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги мажлисдаги маърузаларида тизимга доир амалга ошириладиган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар, 2012 йил инвестиция дастури доирасидаги фаолиятлар, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш, 2011 йил 13 декабрда Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-сонли Қарорларининг мақсади ва йўналишлари, уларни амалга оширишга доир асосий вазифалар ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган мажлис баёнининг ижроси, давлатимиз раҳбарининг 1096-сонли Қарори ижроси, бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳолати, республикада ОИВ инфекцияси бўйича вазият ва уни барқарорлаштириш чора-тадбирлари, 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг ижроси бўйича Сурхондарё вилояти мисолида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари томонидан таҳлилий маърузалар қилинди. Айтиш муҳимки, юқорида тилган олинган муҳим масалаларга маърузачилар танқидий ёндошган ҳолда ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

(Давоми 3-бетда).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Семинар*

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР ДОИРАСИДА ЎЗАРО ФИКРЛАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қўшма ҳайъат йиғилиши таркибида ташкил этилган семинарлар куннинг иккинчи ярмида Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бўлиб, у Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари томонидан олиб борилди.***






**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 12-сонли қарори** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли "Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби" талаблари ижроси бўйича вазирликнинг масъул ходими Р. Салиходжаева, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, даволаш-профилактика муассасалари ва туманларнинг ижро интизоми бўйича масъул раҳбар ҳамда ходимларига керакли маълумотларни бериб, айрим муассасаларда бу борада масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлиги, яъни ҳужжатлар нотўғри, ўз вақтида тўлиқ тўлдирилмаётганлиги ва бундай камчиликларга жиддий ёндошган ҳолда мавжуд муаммоларни бартараф этиш муҳимлиги ҳамда фаолиятга масъулият билан эътибор қаратишларини таъкидлаб ўтди.








**Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишининг 2012 йил 13 февралдаги 1-195-сонли баёнида белгиланган тадбирлар ижроси бўйича** вилоятларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг болалар соғлиги ҳамда жисмоний ривожланиши кўрсаткичларини яхшилаш бўйича эришилган тажрибаларни алмашиш тўғрисида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари Д. Аҳмедова ва А. Яркуловлар семинар иштирокчиларига бу борадаги самарали ишлар ҳақида маълумотлар бериб, келгусидаги вазифаларни янада жадаллик билан олиб бориш муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Семинар иштирокчилари фаолиятлари давомида учраб турган муаммо ва камчиликлар бўйича мутахассисларга мурожаат этиб, керакли тавсия ва маслаҳатларга эга бўлдилар.






**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги 1114-сонли "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорларининг ижроси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов мазкур йўналишларда олиб борилаётган фаолиятлар хусусида тўхталиб, муаммо бўлиб турган айрим камчиликларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, семинарда иштирок этган мутасадди раҳбарлар келгусидаги режалар хусусида фикрлашдилар.

**Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги** Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги Молия вазирлиги буйруғининг ижроси тўғрисида вазирликнинг масъул ходими Б. Ҳошимов республика тиббиёт муассасаларида мазкур буйруқ асосида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, айрим жойларда ушбу буйруқнинг амалдаги ижроси тўлиқ бажарилмаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, иқтисодиёт, молиялаштириш, ғазна ва бухгалтерияга оид масалалар ҳам муҳокама қилиниб, керакли таклиф ҳамда мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ва сервисни ривожлатириш Давлат дастури тўғрисида"ги** 325-сонли ва 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизматлар соҳасини ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 640-сонли Қарорлари ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида пуллик ва сервис хизмат кўрсатиш ҳолати ҳамда давлат мулкини ижарага бериш тартибини ва назоратини олиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 92-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалдаги фаолиятлар бўйича вазирликнинг масъул ходимлари А. Агзамов ва Ф. Раҳимқуловлар ўз фикрларини билдириб, бу борада учраётган камчиликларга эътироз билдирдилар. Семинар иштирокчилари ишларида учраётган мавжуд камчиликлар бўйича соҳа мутахассисларидан керакли тавсиялар олдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги** 1668-сонли Қарори ижроси ҳамда 2013 йилда инвестиция дастурига киритилиши режалаштирилган соғлиқни сақлаш объектларининг лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёни тўғрисида вазирлик мутахассиси Н. Калонов инвестиция дастурига киритилган соғлиқни сақлаш объектлари бош врачлари, лойиҳачилар ва пудратчилар ташкилоти раҳбарларига зарурий масалалар бўйича керакли тавсиялар бериб, иштирокчилар учун муҳим бўлган муаммолар ечимини оқилона ҳал қилиш ҳар бир масъул шахснинг олдидаги асосий вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди ва мутахассислар томонидан берилган таклиф ҳамда мулоҳазаларга ўз фикрини билдирди.

**Санитария-эпидемиология назорати марказларини кадрлар билан таъминлаш,** малакасини оширишдаги долзарб муаммолар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011 йилга мўлжалланган "Ўткир диарея касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар" дастури ижросини таъминлаш масаласи, ДСЭНМлари лабораторияларининг ёзги мавсумга тайёргарлиги ва зарур реактив, озуқа муҳитлари ҳамда диагностикумлар билан таъминлаш ишлари тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Давлат бош санитария врачи С. Сайдалиев ушбу йўналишдаги самарали фаолиятларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда жиддий муаммолар борлигини ҳам эътироз билан айтиб, ҳар бир ходим ўз ишига масъулиятли ёндошиши зарурлигини таъкидлади. Муҳим масалалар юзасидан ўзаро фикрлар алмашиб, семинар иштирокчилари фаолиятлари учун зарур назарий кўникмаларга эга бўлдилар.

**Тиббиёт коллежи ва муассасалари ўртасида ҳамкорлик иши, "Устоз-шогирд"** анъаналарини жорий этиш масалалари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими кадрлар билан ишлаш хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида вазирликнинг масъул ходимлари Ш. Атаханов, Р. Салиходжаева, Т. Ҳакимовлар барча тиббиёт коллежлари ва институтларида кадрлар бўлими бошлиқларининг фаолиятларига алоҳида урғу бериб, бу борадаги ҳужжатларни тўғри юритиш ва уларга эътибор қаратиш муҳимлигига тўхталдилар.

**Ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий хизмат,** 2011 йил тиббий чақирув комиссияларининг якуний фаолияти ҳақида вазирлик мутахассиси И. Уринбаев семинар давомида иштирокчиларга ушбу йўналишдаги асосий масалаларга жиддий эътибор қаратиш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этишда фаолиятларни тўғри йўлга қўйиш лозимлиги хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Семинар давомида фаолиятдаги мутахассислар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳам ўша ернинг ўзида муҳокама этилди. Мутахассислар ечимини кутаётган муаммолар бўйича ўзаро фикрлашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1096 ва 1144-сонли Қарорларининг,** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 238 ва 366-сонли буйруқларининг ижроси ҳамда жойларда "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти" тўғрисида Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори З. Муталова ва институт мутахассиси Ш. Алмарданов семинар иштирокчиларига юқоридаги қарор ва буйруқлар ижроси бўйича аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш, шунингдек, амалдаги фаолиятлар кўламини кенгайтириш учун оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш юритиш муҳимлигини айтиб ўтдилар.

**Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, мазкур семинар жараёнида фаолиятлардаги асосий муаммоларга эътибор қаратилди. Шунингдек, уларни бартараф этиш учун иш самарадорлигини ошириш муҳимлиги ва бу борада лоқайдлик ҳамда эътиборсизликка йўл қўймаслик лозимлиги айтилди.**

**1-2-3-саҳифа материалларини**
**Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**
**Муаллиф олган суратлар.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Инсонлар саломатлиги қонун ҳимоясида

***Жорий йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси самарадорлигини ўрганишга бағишланган назорат-таҳлил фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Раджабов кириш сўзи билан очиб, республика соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида эътибор қаратиб, соҳага оид қабул қилинган қонунлар замирида инсонлар саломатлиги ётганлиги, улар ижроси жойларда қандай бажарилаётганлиги ва бу борада назоратни кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Сўнгра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Зуҳра Ботирова «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятида ижро этилиши ҳолати ва қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганиш натижалари тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Бухоро вилоятида мазкур қонун ижроси бўйича олиб борилган ишларга урғу бериб, қўмитанинг назорат ва таҳлилий натижаларига қараганда муайян ишлар билан бир қаторда, мавжуд муаммо ва камчиликлар борлигига эътироз билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачи Сайдмурод Саидалиев, Бухоро вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳусниддин Ғойиров ва Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Икром Амоновлар сўзга чиқиб, қонун ижроси бўйича ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Барчамизга маълумки, инсон организмида йод етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган хасталиклар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2007 йилда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонуннинг қабул қилиниши кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ташвишга солиб келаётган йод танқислиги ҳолати ва у билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш, шу борадаги муаммоларни ҳал қилишнинг асосий омилларини яратди.

Қўмита томонидан мазкур Қонун ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятидан маълумки, йод танқислиги туфайли келиб чиқаётган касалликлар ва уларнинг олдини олишда республика микёсида бирқанча ижобий самараларга эришилди.

Шу билан бирга, мазкур Қонуннинг жойлардаги ижроси турли сабабларга кўра тўлиқ таъминланмаётганлиги боис, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йод танқислиги оқибатидаги касалликлар ҳамда улар асоратларининг катталар ва болалар саломатлигига, ҳомиладор аёллар, шунингдек, дунёга келаётган болалар соғлиғига турли даражада жиддий зиён етказиш ҳолатлари бугунги кунгача ҳам давом этиб келаётганлиги ташвишлидир.



Тадбир давомида иштирокчилар томонидан вилоятнинг барча ҳудудларидаги давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (ДСЭНМ) томонидан ҳам «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда қонуннинг ижроси бўйича мониторинг ўтказиб келинаётганлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, вилоятда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан Қонун ва соҳага оид ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доирасида йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назорати амалга оширилиши, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ош тузини йод билан бойитишга қаратилган фаолияти, йод билан бойитилган ош тузи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказилиш ҳолатини ўрганиш мобайнида соҳага оид мавжуд муаммо ва ечимини кутаётган масалалар аниқланди.

Жумладан, ишлаб чиқариш, сотув ва истеъмол босқичларида ош тузининг йодланганлик даражасини таъминлашда жиддий камчиликлар борлиги, мониторинг олиб боришда қонуннинг тегишли моддалари (9, 13, 20)да белгилаб қўйилган аниқ вазифаларни бажариш ишига тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари томонидан эътибор қаратилмаётганлигига эътироз билдирилди.

Йиғилишда Қонуннинг ижросиюзасилан 2011 йилда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативларида белгиланган Ўзбекистон Республикасида йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотишга қўйилган гигиеник талабларга риоя этиш, жойлардаги мутасадди ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш, келиб чиқиши билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни ўз вақтида муҳокама этиш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш ҳамда Қонун ва соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш таклифи берилди.

# Давр талаби: фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш

***2012 йил 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Раджабов кириш сўзи билан очиб, мазкур мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Тадбир давомида ушбу йўналишдаги соҳа мутахассислари томонидан муҳим мавзуларда маърузалар қилинди. Таъкидлаш муҳимки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат қурилиши дастури ва Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ қилишнинг бутун ўзагини мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқарилган "Ўзбек модели"-га хос беш асосий тамойил ташкил этган бўлиб, унда аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш лозимлиги қайд этилган. Бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб бориш билан бирга, ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми яратилди, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти инфратузилмасини яратишнинг комплекс режаси беш тамойилда ўз аксини топар экан, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари қамраб олинди. Бу танланган демократик йўл аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига иқтисодий мадад бериш орқали фуқаролар осойиштилиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашни ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати, пенсионерлар ва ногиронларга, яъни иқтисодий ўтиш шароитида қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлиб қолди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва ҳудудларда уларнинг тузилмалари ташкил этилиб, Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим яратилиб, соҳа фаолияти такомиллашиб бораётганлиги, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилишни, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш зарурлиги, ижтимоий муҳофазасини таъминлашда қонунчилик базасининг такомиллашиб бориши, шунингдек, ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатимизда бу қатлам вакилларини қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этаётганлиги эътироф этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ва уларни такомиллаштириш эҳтиёжи мавжудлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, семинарда пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги, фуқароларга қарилик чоғида тайинланадиган давлат пенсияларига қўшимча жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг ўрни борлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Бунинг баробарида, мутахассислар томонидан тиббий-меҳнат эксперт ва тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, бунда 16 ёшгача ва ундан юқори ёшдаги фуқароларнинг ногиронлик ҳолатини белгилаш тамойилларини қайта кўриб чиқиш ва амалга ошириш тартибини мувофиқлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар якунида кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

# Атроф-муҳит барқарорлигида журналистлар ўрни

***Жорий йилнинг 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида «Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти» мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи раҳбари Б. Алихонов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги асосий масала бўйича ўз фикрлари ва амалдаги фаолиятлар тўғрисида гапириб ўтди.

Барчамизга маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисдаги маърузасида ҳамда 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида» парламент фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди. Шу боис, Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг фаолиятида экологик муаммоларни ҳал этиш соҳадаги қонунчилик тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар либерал ислоҳотлар ташаббускорига айланишига эришиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Кун тартибидаги муҳим мавзулар бўйича мутахассислар томонидан фикрлар билдирилиб, мазкур долзарб йўналиш оммавий ахборот воситалари томонидан кенг тарғиб қилиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Конференция сўнгида муҳим масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

**Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**

*Эътибор ва ғамхўрлик*



# САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАР МАҲСУЛИ

тиббиёт ходимларимиз қадрланиб, улар меҳнати муносиб тақдирланади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида мазкур санага бағишлаб тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари кадрлар билан ишлаш масалаларига катта эътибор қаратиб, бу борадаги ишларни тўғри йўлга қўйишга эришди. Леонид Дмитриевич меҳнат фаолияти давомида шу кунга қадар кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади.



Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, вазирлик тизимида самарали меҳнат қилган Леонид Дмитриевич Лукашевич ҳамда Мухамед Дусмухамедович Атарбаевларни 70 йиллик таваллуд кунлари муносабати билан қизғин кутлаб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг табригини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш муҳимки, Мухамед Дусмухамедович Атарбаев бир неча йиллардан буён масъулиятли вазифа, яъни вазирлик тасарруфидаги 2-бошқарманинг фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўлимида астойдил хизмат қилиб келмоқда. У ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, касбига бўлган



Эътирофлиси шундаки, Леонид Лукашевич 46 йил давомида тиббиёт соҳасида ишлаган бўлса, шундан 33 йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг кадрлар билан ишлаш бошқармасида ўтди. Ушбу йиллар давомида у ўзининг қатъиятлилиги, меҳнатсеварлиги ва фидойилиги билан ҳурмат қозонди. Шунингдек, вазирлик тизимида масъулияти билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган.

**Шу ўринда таҳририят ҳам юқорида тилга олинган фидойи инсонлар меҳнатини қадрлаб, уларни табаррук 70 ёшлари билан чин дилдан қутлаб, оилавий хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаб қолади.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*Хотира уйғонса гўзал*

# ТИББИЁТНИНГ ЖОНКУЯР ИНСОНИ ЭДИ

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, жонкуяр, истеъдодли олим, юқори малакали педагог Насриддин Мираҳмедович Шоматов 1915 йил 22 сентябрда Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилган. 1933 йилда Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, уни аъло баҳоларда тугатган Насриддин Шоматов йўлланма асосида «Ёнғоқзор» номли болалар суяк сили касалхонасига ишга қабул қилинади. Ёш мутахассис учун бу касалхона катта мактаб бўлди.***

1939 йилнинг ноябрь ойида армия сафига чақирилди ва дастлабки пайтларда у Беларусь ҳарбий округидаги тиббий-санитария батальонида врач, Мурманскда врач-жарроҳ, сўнгра катта жарроҳ бўлиб ишлади.

